

SCIENTIFIC-METHODICAL JOURNAL OF
“SCIENTIFIC PROGRESS” // ISSN: 2181-1601

CERTIFICATE

CONFIRMS THAT

Райно Ибодуллоевна Зарипова

AUTHOR OF THE ARTICLE TITLED

**Фразеологизмлар шаклланишига диалектизм,
варваризм ва вульгаризмлар тъсири**

PUBLISHED IN
VOLUME #2, ISSUE #4, AUGUST 2021



EDITOR



SH.I.BOTIROVA



ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАР ШАКЛЛАНИШИГА ДИАЛЕКТИЗМ, ВАРВАРИЗМ ВА ВУЛЬГАРИЗМЛАР ТАЪСИРИ

Раъно Ибодуллоевна Зарипова

Бухоро давлат университети «Гуманитар йўналишларда чет тили»

кафедраси доценти, PhD

rano_zaripova2018@mail.ru

АННОТАЦИЯ

Дунё тилшунослиигида оддий сўзлашув нутқига алоқадор фразеологик бирликларнинг ўзига хос хусусияти ва меъёрини ёритиш, тузилишига кўра таркибий моделларини аниқлашга доир тадқиқотлар кенг қўламда амалга оширилмоқда. Аммо оддий сўзлашув нутқида қўлланадиган фразеологизмларда жаргон, арго, диалектизм, вульгаризм, варваризм, макаронизмларнинг учраши, адабий тилда улардан фойдаланишда услубий чегараланиш, фразеологизмларга хос меъёрларнинг бузилиши билан боғлиқ муаммолар тилшуносликда ўзининг объектив ечимини кутаётган долзарб масалаларданdir.

Калит сўзлар: фразеологизм, диалектизм, варваризм, вульгаризм, тил ва нутқ, жаргон, арго, макаронизм

THE EFFECT OF DIALECTICISM, BARBARISM AND VULGARISM ON THE FORMATION OF PHRASEOLOGIES

ABSTRACT

In world linguistics, studies are widely conducted to illuminate the specifics and norms of phraseological units associated with ordinary speech, to determine their structural model. However, the problems associated with jargon, argo, dialecticism, vulgarism, barbarism, the meeting of macaronisms, methodological restrictions in the use of the literary language, violation of the norms characteristic of phraseologism in linguistics are relevant, awaiting an objective solution.

Key words: phraseologism, dialecticism, barbarism, vulgarism, language and speech, jargon, argo, macaronism

Фразеологик бирликлар миллий адабий тилнинг ҳам оғзаки, ҳам ёзма шаклида; оғзаки ҳам ёзма нутқда кенг қўлланувчи тил ҳодисалариdir. Улар нутқнинг қайси шаклида қўлланишидан қатъий назар тилда ўзига хос нормага эгалиги кўринади. Худди шу нормативлик уларнинг бир тилдан иккинчи тилга ўтишини қийинлаштиради.

Ўзбек тилшунослигига фразеологизм, фразеологик бирлик, фразеологик ибора, фразеологик бирикма, турғун ибора, ибора сингари бир неча хил кўринишдаги терминлар (атамалар) билан юритилиб келинаётган атамалар бир-бирига нисбатан синоним сифатида қўлланилмоқда [1]. Аммо уларни мatal [2], барқарор бирикмалар [3] деб атовчилар ҳам бор. Бу лисоний ҳодисалар қандай аталишидан қатъий назар тилшуносликдаги “Фразеология” бўлимининг асосий тадқиқот предметини ташкил қиласди. Лингвистика илмида фразеологизмларни яхлит тизим сифатида текширувчи бу бўлим тилдамавжуд иборалар спецификаси билан таништиради.

Фразеологизмлар, одатда, икки ёки ундан ортиқ сўзларнинг ўзаро бирикувидан ташкил топиши натижасида уларнинг кўриниши сўз бирикмаларига ўхшайди. Ҳатто шундай фразеологизмлар ва сўз бирикмалари борки, уларни ибора ва бирикма ҳолида фарқлаш осон кечмайди. Масалан: “қўл кўтармоқ” бирикмаси бадантарбия жараёнида қўлни юкорига кўтармоқ маъносида ишлатилса, денотатив (ўз) маъно англатади. Агар бир киши бошқани урмоқ учун қўл кўтарса, коннотатив (кўчма) маъно билдириб келади.

Бундан англашиладики, сўз бирикмалари денотатив, фразеологизмлар эса коннотатив хусусият касб этади ҳамда уларни контекстдан фарқлашга тўғри келади.

Демак, сўзларнинг ҳар қандай бирикуви фразеологиям ҳисобланмайди. Улар тузилиши ва маъно-мазмунни жиҳатидан мураккаб, қўп аспектли тил ҳодисаси бўлиб, муайян нормаси ва специфик белгилари мавжуд.

Иборалар шаклланишида азалдан халқ тилининг ўрни ва роли катта. Аслида халқ тилида яратилган иборалар аста-секин адабий тилга бадиий асарлар орқали кириб борган. Лекин улар орасида ҳали адабий тилга кириб бормаган ва ҳозиргача яратилган фразеологизмларнинг изоҳли лугатидан жой олмаганлари бор. Шулардан бири шева таъсирида шаклланган иборалардир. Масалан, халқ тилида “кўқдан тўйган куррадай”, “калапўшни дол қўйиб”, “калласини йўқотиб қўймоқ”, “калла пиширмоқ”, “патаки пайтава бўлмоқ” сингари бир қатор иборалар борки, уларни фразеологизмларнинг мавжуд изоҳли лугатларида кузатмаймиз.

Бу ибораларни шева таъсирида шаклланган дейишимизга уларнинг таркибида қўлланган “курра”, “калапўш”, “калла” сўzlари асос беради. Мазкур жумлалар кўпроқ Бухоро шевасида учрайди.

“Калласини йўқотиб қўймоқ” ибораси яна “бошини йўқотмоқ” кўринишида ўзбек тилида, “потерять башку” шаклида рус тилида ҳам қўлланади [4].

“Манга барибир” ибораси адабий тилимизда “менга барибир” кўринишида қўлланади. Умуман айтганда, нутқда ман ва мен ҳамда сан ва сен олмошлари шевада қўлланиши жиҳатидан фарқ қиласди.

Куйидаги матнда келтирилган “ходовой жой” ибораси макаронизм сифатида эътиборни тортади: “Асфальт йўлкадан бир-икки қарич баланд бўлгани боисми, “Тўрақулнинг тахти”, дейди шериклари. Сабаби, “**ходовой**”, гавжум жой. Ўтган ҳам, кетган ҳам бир нима ташлаб ўтади. “Тўрақул ўтганнинг ўргони, кетганнинг кетмонини олиб қолади”, дейди шериклари ҳазил аралаш [5].

Ушбу матнда келтирилган “**ходовой**” сўзи рус тилига мансуб бўлиб, ўзбек тилида ўзлашмаган. Ўзбек тилининг ёзма ва оғзаки нутқ шаклларида у учрамайди. Сабаби, бу сўз рус тилидан ўзбек тилига ўтмагани учун янги маъно ва тушунчаларни ифодаламайди. Шунингдек, у ўзбек тилининг на имло, на изоҳли луғатларида қайд этилмаган.

Ўзбек тилида “**ходовой**” сўзининг “харидоргир” ёки “харидорбоп” каби муқобиллари бор. Шундай бўлса-да, юқоридаги матнда у ўзининг русча кўринишида қўлланилган. Бундай лексик бирликлар тилшуносликда “макаронизм”, яъни “ямок”, “қурок” сўzlари деб аталади [6].

Айрим ҳолатларда иборанинг макаронизм сифатида кетма-кет қўллангани кузатилади. Масалан: “**С удовольствием. Я его люблю**, – дейди. Бажонидил. Мен бу кишини яхши кўраман” [7; 101-б.]. (Таржимаси: “With great pleasure! I love this man!”).

Ушбу мисоллардан шуни англаш мумкинки, макаронизмлар факат аслият матнлари учун хосдир. Таржима матнларида эса уларни сақлаб қолиб бўлмайди, йўқотилади.

Куйидаги мисолда макаронизм ва иборанинг ўзаро синоним ҳолатида ишлатилганига гувоҳ бўлиш мумкин: “**А ну-ка марш отсюда!** – дея зални ларзага келтириб хайқирди шунда бирор. –**Қани, туёгингни шиқиллатиб қолчи бу ердан!** Ҳей сурбетлар, кимга айтиляпти, бўл тез!” [7; 135-б].

“**Туёгингни шиқиллат**” ибораси, одатда, жўнаб қол, кет буйруқ феъллари ўрнида қўлланади [8]. Юқоридаги матн таржима қилингач, айтганимиздай, на унда макаронизм, на ушбу ибора сақланмаган: “Get out of here!” someone yelled. “Off with you! Go on, get out of here, who the hell do you think you two are?!”

Туёқ ҳайвонга хос тана қисми бўлганлиги боис бу сўз иштирокида шакллантирилган “туёгингни шиқиллат” ибораси инсонга нисбатан қўлланса, салбий мазмун касб этади. Шунингдек, “синфнинг думи” ибораси ёмон ўқийдиган, қолоқ ўқувчи тавсифи учун ишлатилса, “қулоғи динг” ибораси гап пойлайдиган, иғво йиғадиган кимсаларга нисбатан қўлланади.

Умуман айтганда, ҳайвон ёки уларнинг тана қисмлари, жонзотларнинг хатти-харакатлари номлари қўлланган иборалар шахс тавсифи учун қўлланса, албатта, салбий мазмунга эга бўлади. **Ит эмган, итдан тарқаган** иборалари шундайлардан бўлиб, итга нисбатланувчи ҳақоратни билдиради. Масалан, “**Бу**

ёққа кел, ит эмган! – деди минбоши, қизил кўзларини ола-була қилиб. (М.Исмоилий, “Фарғона тонг отгунча”) [9].

“Эшакдай ҳанграма” ибораси, одатда, ўжар ва ахмоқ табиатли кимсаларнинг ноўрин гапиришига шама қилиш, киноя ва пичингни англатиш ёки уларни сўкиш учун қўлланади.

Баъзан фразеологизм таркибидаги вульгар сўзнинг ўзгартириб ишлатилганига гувоҳ бўлиш мумкин. Масалан: “Узоқ йиллардан буён биринчи марта уйига одам чақириши, бу ҳовлида бегона одам *оёги ер искамаганига* кўп замонлар бўлган” [5; 17-б].

Халқ тилида бу ибора аслида *оёги ер искамаган* кўринишида эмас, балки *кети ер искамаган* шаклида учрайди. Муаллиф “кети” сўзини вульгар сўз билиб, уни “оёғи” сўзига алмаштириш орқали вульгар оттенкани сўндиришни кўзда тутган.

“Опангизни биласиз-а? –деди Акобиров Фарҳодга синовчан тикилиб. – Бу ерларният сугориб юрибди, жалаб” [7; 34-б]. Ушбу контекстда “Бу ерларният сугориб юрибди” ибораси аслида мақсадга номувофиқ қўлланилган. Унинг фразеологик бирлик эканини бирданига англаш қийин. Агар ундаги “опа” ва “жалаб” вульгар сўзига диққат қаратилмаса, табиийки, матн нотўғри тушунилади. Жумланинг мазмуни ўқувчига тўлиқ англашилмайди ва уни чалғитади. Чунки “сугормоқ” сўзининг аслида **тўртта ўз ва кўчма маънолари мавжуд**. Биринчиси – экин майдонларини, ўсимликларни сув билан таъминламоқ, сув қўймоқ; иккинчиси – сув бермоқ, сув ичирмоқ; учинчиси – “билан” сўзи иштирокида, яъни нима биландир, масалан, кўчма маънода меҳр билан ёки ғамхўрлик билан тарбияни сингдирмоқ; тўртинчиси – техник соҳада тобламоқ (пўлатни сугормоқ) деганидир. **Сугорувчи, сугормоқ сўзлари экин-тикинга ёки мол-ҳолларга сув берувчи кишига нисбатан ишлатилади.**

Келтирилган матнда эса у ибора бўлиб, аёл кишининг енгилтабиатлиги, бузуқлигини англаши учун қўлланилган. Умуман айтганда, бундай тарзда ишлатилган фразеологизмларнинг маъносини, уларнинг нима мақсадга қаратилганлигини аниқ билиб олиш учун ўша контекстни бир неча марта такрорлаб ўқишга тўғри келади, ана ўшандагина масаланинг асл моҳиятига тушуниб етса бўлади.

Демак, фразеологизмларнинг кимга қарата ишлатилаётганига, қайси маънода қўлланаётганига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бунда, албатта, ибора билан ёнма-ён қўлланаётган сўзларнинг ўрни ва аҳамияти ҳам беқиёсdir.

REFERENCES

- Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Морфология. Лексикология. – Т.: Ўқитувчи, 1965. – Б.133-135

2. Ҳакимов М. Ёзувчи ва халқ тили. – Т.: Фан, 1971. – Б.16-19.
3. Nurmonov A., Sobirov A., Yusupova Sh. Hozirgi o`zbek adabiy tili. Akadrmik liseyning 2-bosqich talabalari uchun darslik. – Т.: Ilm ziyo, 2010. – B.80.
4. Кунин А.В. Англо-русский фразеологический словарь. – М.: Русский язык, 1984. – С.31.
5. Раҳимжонов Нўймон. Жимжит жолалар [Матн]: қисса, эссе, замонавий эртаклар, дилбителиклар, масъул муҳаррир ва сўзбоши муаллифи Х.Дўстмуҳаммад. – Т.: “O‘zbekiston” НМИУ, 2016. – Б.14.
6. Маматов А.Э. Ҳозирги замон ўзбек адабий тилида лексик ва фразеологик норма муаммолари: Филол. фанлари док-ри.... дисс. – Т., 1991. – Б.257.
7. Аъзам Эркин. Шовқин: роман, қисса, ҳикоялар – Т.: O‘zbekiston, 2011. – Б.101.
8. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2008. – Б.188.
9. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б.280.